

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КИТОБ ТУМАНИ ТОМОРҚА ЕРЛАРИНИ ЙЎҚЛАМА (ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ)ДАН ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИДА QGIS ДАСТУРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Неъматов.И.Р – ТИҚХММИ магистранти

Аннотация


Бугунги кунда мамлакатимизда шаҳарсозлик ва архитектурани ривожлантириш, ҳудудлар, айниқса қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳолига янги уй-жойлар қуриш ва қулай шарт-шароитлар яратиш борасида кўплаб дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳолисини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш ва уларнинг турмуш даражасини янада юксалтириш мақсадида

намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий қишлоқ массивларини қуриш ишлари олиб борилган, жумладан 2017-йилда 159 та туман ҳудудидан танланган 213 (1154,8 га) та ер мавзеларида 6800 замонавий уй-жой намунавий лойиҳалар асосида қурилган.

Бу ишларни амалга оширишда, айниқса замонавий қишлоқ массивларини қуришда ер майдонларини аниқ ўлчамларини олиш, мавжуд аҳоли яшаш жойларини ва томорқа ерларини тартибга солиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Бу борада ер муносабатларини тартибга солувчи “Давергеодезкадастр” қўмитасининг олдига қатор вазифалар қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 9-октябрдаги ”Фермер, деҳқон хўжаликлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199 сон фармони эълон қилинди[1]. Хозирги кунда аҳоли яшаш пунктларидаги томорқа ерларини йўқламадан ўтказишда QGIS дастурини афзалликлари жуда кўп. Аҳоли яшаш пунктларидаги томорқа ерларини йўқламадан ўтказиш хариталарини яратиш услуги аввал қўлланилиб келинган анъанавий услубдан тубдан фарқ қилади.

Анъанавий (эски) услуб: Аҳоли яшаш пунктларидаги томорқа ерларини ҳудудга чиқиб саржин, метр, ип ёки шулар каби эскирган асбоблардан фойдаланган ҳолда аниқланган. Бундан ташқари ишчи кучи кўпчиликни ташкил қилган, ўз навбатида ишларни бажариш ҳамда якунлаш муддати ҳам узоқ вақтни талаб қилган. Аҳоли яшаш пунктларидаги томорқа ерларининг майдонлари ўтган аср асбобларида ҳисобланган ва натижада ўлчаш аниқлиги юқори даражада бўлмаган. Ишлаб чиқариш шу тарзда давом этиб келган.



1-расм SAS.Planet дастурида кесиб олиш жараёнининг қисман кўриниши

Бугунги кунга келиб, бу вазифаларни бажарилиши такомиллашиб, тўлиқ компьютер технологияси ёрдамида аниқлашга эришилди. Шу билан барча соҳаларда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш жуда ривожланиб бормоқда. Бу борада ер ресурсларидан самарали фойдаланиш соҳасида ҳам бугунги куннинг замонавий дастурларидан ҳисобланган QGIS дастурида амалга оширилаётган ишлар ўзининг сезиларли даражада натижаларини бермоқда.

Бажарилаётган ишларга мисол келтирадиган бўлсак, Қашқадарё вилояти Китоб тумани ҳудудида томорқа участкаларини йўқлама қилиш жараёнида қўлланилаётган

замонавий ускуналардан кенг фойдаланилган. Булардан 1-GPS Pro Mork 3 асбоби орқали ўлчов ишларида координата юзасини аниқлаш учун GPSасбоби орқали тўғридан-тўғри ер суний йўлдошлари билан маълумотлар аниқланади. Бу ўлчаш асбобининг афзаллик томонлари шундаки, бунда асосан, ишчи кучи кам сарфланади ва аниқлик даражаси юқори бўлади. Бундан ташқари фото съёмканинг аниқлиги ошади. Аниқлиги қайси программада ишлашга қараб метрдан сантиметргача аниқликда ўлчанади. GPS Pro Mork 3асбоби иш жараёнида олинган маълумотларни ўз хотирасида сақлайди, сақланган маълумотларни замонавий дастурларга кўчиради. Буларга мисол QGIS, Ponarama дастурлари орқали электрон харита яратилади. Электрон рақамли хариталарни, жумладан аҳоли яшаш пунктларидаги томорқа ерларини рақамли хариталарини яратишда юқори аниқликда тайёрлангач, SAS.Planet (120808) дастурида Google Earth космик суратини юклаб олинибкомпьютер орқали ишлов бериб, маълум бир аниқ ўлчам яъни миқёсга келтирилиб фототархлар тайёрланади ва улар асосида дала мутахассислари томонидан дала шароитида аэросуратдаги барча элементларга аниқлик киритиб, дешифровка қилиш ишлари якунланади[2].



2- расм.Расмийлаштирилган аэросуратнинг қисман кўриниши

Ерларни дешифровка қилиш йўли билан аниқлик даражаси янада оширилган фототархлар сканерлаш йўли билан компьютерларга кўчириб ўтказилиб, дунёнинг етакчи геохаборот технологияларидан ESRI компаниясининг QGIS дастури орқали чизиш ишлари амалга оширилади.

Харитани кампьютер технологиясида чизишнинг афзаллиги шундаки, чизилаётган харитани ўз миқёсига нисбатан бир неча маротаба катталаштириб олиш, рангларни аниқлиги, яратилаётган ҳар битта элемент(чизиқ, нукта, майдон)га маълумот киритиш, хаританинг чекланмаган ҳолда нусхаларини чиқариш, эскирган маълумотларни янгилаш, исталган масштабда ишлаш, ер майдонлари(контурлари)ни мазкур дастур орқали ҳисоблаш ва Excel дастурига ўтказиш каби имкониятлар мавжуд. Бундан кўриниб турибдики яратилаётган хариталарнинг маълумот ва аниқлик даражаси юқори бўлади.

QGIS дастури фақат харита чизиш ишлари билан эмас, балки яратилган хаританинг геохаборот атрибутларини ҳам кирита олиш имкониятига эга. Электрон рақамли хариталарга қўшимча маълумотлар киритиш, хаританинг уч ўлчамли кўринишини бажариш, электрон рақамли харитани JPG ёки TIFF форматларида сақлаб, СД диск орқали компьютерда ёзилиб, вилоят ёки туманларда босма(плоттер)дан босиб чиқариш имконияти мавжуд.



Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат иқтисодиётини асосий йирик тармоқларига моддий негиз ҳисобланган ер ресурсларидан самарали фойдаланиш долзарб вазифалардан биридир. Бу долзарб вазифаларни бартараф этишда замонавий дастурлар асосида яратилаётган электрон карталардан фойдаланиш самарали натижаларга эришишда кўплаб қулайликлар яратмокда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 9-октабрдаги ПФ-5199-сонли Фармони.
2. Э.Ю.Сафаров, И.М.Мусаев, Ҳ.А.Абдурахимов “Геоахборот тизими ва технологиялари”. Дарслик.

Илмий раҳбар

И.М. Мусаев